

ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАТИВ ҚУРИЛМАЛАРДАН ТҮФРИ ФОЙДАЛАНИШИДА ОИЛА НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-5-369-376>

Жумакулова Шахло Давлятовна

Термиз давлат университети Амалий математика ва ахборот технологиялари
йўналиши 2 – курс магистранти

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада бугунги кунда оила ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа томонларида фаоллашиб бораётган медиа – коммуникация воситаларининг инсонлар ҳаётидаги ўрни ҳақида гап боради. Муаллиф ўз кузатишлари асосидаги таҳлилий маълумотларни баён қилиш билан бирга бугунги кунда оила тарбиясида интернет маълумотларидан фойдаланишининг аҳамияти ва гаджетларни қўллашнинг оиласида фарзандлар тарбиясидаги аҳамиятини контекст таҳлил асосида очиб берган.

Калим сўзлар: медиа мосламалар, гаджетлар, коммуникатив компетенциялар, ахборот бозори, интернет сайлари, оиласидаги индивидуаллашув, виртуал оламдаги интеграция, катталарнинг фарзандлар тарбиясидаги медиа саводхонлиги.

АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится о роли средств массовой информации и средств коммуникации в жизни людей, которые сегодня становятся активными в других аспектах семейной и общественной жизни. Наряду с аналитическими данными, основанными на его наблюдениях, автор выявил важность использования интернет-информации в семейном воспитании сегодня и важность использования гаджетов в воспитании детей в семье на основе анализа контекста.

Ключевые слова: медиаустройства, гаджеты, коммуникативные компетенции, информационный рынок, интернет-сайты, индивидуализация в семье, интеграция в виртуальный мир, медиаграмотность взрослых в воспитании детей.

ABSTRACT

This article talks about the role of media and communication tools in people's lives, which are becoming active in other aspects of family and social life today. Along with the analytical data based on his observations, the author revealed the importance of using internet information in family education today and the

importance of using gadgets in raising children in the family based on context analysis.

Key words: media devices, gadgets, communicative competencies, information market, internet sites, individualization in the family, integration in the virtual world, media literacy of adults in raising children.

КИРИШ

Ёшлар тарбиясида бугун оиланинг ўрни бекиёс ва бу муҳим ижтимоий институт ўрнини ҳеч нарса билан алмаштирилиб бўлмайди. Юртимиизда мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлариданоқ оилаларни мустаҳкамлаш, унинг фаровон ва барқарор бўлишилиги учун давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида самарали фаолият йўлга қўйилди. Бугунги медия макон, ахборот бозори шаклланган даврда яшар эканмиз оилада ахборот коммуникация ва интернет, замонавий информацион қурилмалардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ҳам оила тарбиясининг муҳим соҳаларига айланиб улгурди. Оила жамият таянчи экан, фарзандларимиз онгida Ватанга муҳаббат, элу-юрт равнақи йўлида хизмат қилиш маъсулиятини келажагимиз эгалари бўлган ёшларга сингдириш муҳим ва долзарб вазифалар сирасига киради.

Бугун кенг тарқалган интернет сайtlаридағи ахборотларнинг ҳаммаси ҳам миллат равнақига хизмат қилмайди. XXI асрга келиб турли ҳаёт тарзлари ва ғоялар рақобатга киришди. Бундай мувофақиятга эришиш учун ахборот коммуникация технологиялардан ўринли фойдаланиш имкониятини ёшларда шакллантириш муҳим. Хусусан, оилада гаджетлардан фойдаланишнинг ўз меъёри ва вақтини ота-оналар белгилаб беришлар лозим. Ота-она ўз фарзандларини электрон-коммуникация воситаларидан, интернетнинг айнан қайси сайтларидан фойдаланаётганларини назорат қилишлари зарур. Чунки, ҳозирги кунда ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун зимдан олиб борилаётган ахборот ҳуружлари мавжуд. Бундай радикал кучлар аввало ёшлар онгини эгаллаб олишга интилишларини ота-оналар унутмаслиги шарт. Бундай ҳолатлардаги ғаразли ният-миллатнинг ўзлигини йўқотиш, манқуртлик ва космополитизм сингари жиҳатларини ёшларга сингдириш экан, бу оилада фарзандларимиз тарбия оладиган таълим муассасаларида ушбу йўналишда назоратини талаб қиласди. Бола тарбияси мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу муҳим ижтимоий жараёнда айниқса ахборот-коммуникация борасидаги билимлар, кўникма ва малака борасида фарзандларимиз виртуал дунёси хилмачил. Ҳозирги кунда одамлар кунига ўртacha етти соат, яъни уйғоқ вақтнинг 40 фоизидан ортигини интернетда ўтказади. Are Social эксперталарининг

маълумотларига кўра 2022 йил давомида бутун дунё бўйлаб фойдаланувчилар 12,5 триллион соатдан ортиқ вақтини сарфлаганлар. Интернетга қарамлик бу – одамларнинг тармоқни ўз вақтида тарқ эта олмаслиги, шунингдек, унга кириш истагининг доимий мавжудлигидан иборат бўлган руҳий касаллик ҳисобланади. Интернетга қарамликнинг хавфи қуидагиларда кўринади:

1. Концентрациянинг пасайиши
2. Хотиранинг ёмонлашуви
3. Когнитив ва руҳий касалликларнинг юзага келиши эҳтимоли
4. Жисмоний касалликларнинг кучайиши
5. Йўқотилган ҳаёт учун алмаштириб бўлмайдиган вақт

Бугун глобаллашган муаммо сифатида тан олинаётган оила қадриятлари транформацияси оиласидаги барча аъзоларини янада кўпроқ виртуал оламга қарамлигини кучайтирумокда. Бу ўз навбатида муҳим ижтимоий оқибатни, оила ажримлари кўрсаткичларини кўпайишига, одамлардаги индивидуализмга берилиш, эгоизм каби иллатларни пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шу боисдан ҳам ёшларнинг бугунги кунда оиласидаги асосий қадриятар нима эканлигини аниқлаш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда, бу изланишлар ечим топиш учун тадқиқотлар хизмат қилмоқда. Бугун медиа технологиялар инсон шахсига катта таъсир кўрсатмоқда. Замонавий оиласинг кейинги структурасиси борасидаги башоратлар жиддий муаммоли масалаларни кун тартибида қўймоқда.¹ Таниқли олим Ж.Скотт фикрича эса “..одамларнинг индивидуаллашиб бораётганлиги сабабли ҳам анъанавий оила қадриятлари асосида ҳаёт кечираётган оила типлари тобора қисқариб бормоқда.”²

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Вертуал оламдаги интеграция туфайли ҳам инсон ҳаётидаги радикал ўзгаришлар оиласинг ички ҳаётидаги муносабатларда содир бўлмоқда. Бу масалада чет эл олимларидан Р.Пол, Л.Спенсер ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар. Бугунги кунда бу борада социал силжишлар рўй берди, аввал қариндошлилик асосида муносабатлар ўрнатиш ўрнини қариндошлар асосида муносабатлар ўрнатиш эгаллаб бораётгани уларнинг илмий изланишларида таъкидланган.³ Айнан мазкур йўналишда олимлардан К.Лалор ва Ж.Скотт ҳам тадқиқотлар олиб борган.⁴

¹ - қаранг: D.Chell.Cheal D.Y. Sjciolog of Family Life/ D.J. Bfsingtoke: Poligrafe, 2002, -p.35.

² - J.Skot . Changing Households in Britain: do Families Still Matter. The Sjciological Review, 1997, pp. 591-620

³ - Pahl, Ray.Liz. Personal Communities .Not SimplyFamilies of Fate or Choice/Pahl.Ray,Liz.Spencerio Curren Sjciology.- 2004-№ 52ю з-199-201

⁴ - Lalor Kevin, Ajine de Roiste Murice Dtylin .Young People in Contempararey Irland .Dublin, Gil. & Macmillan Publ., 2009

Яна шундай тадқиқотлардан бири мамлакатимиздаги айрим давлатлардаги худудий порталлар фаолиятини контект-анализ қилиш, оилада гаджетлардан фойдаланишга доир таҳлиллар бўлди. Ўрганилганлар асосида муаммоларга мақбул ечим топишга ҳаракат қилинди. Ҳеч биримизга сир эмас, бугунги медиа технологиялар ҳар бир шахснинг турли йўналишлардаги фаолияти учун муҳим роль ўйнайди. Оиладаги тарбия жараёнида ота-оналар фарзандларини назорат қилишлари учун аввало ўзлари везиуал олам ва интернет сайtlари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари талаб қилинади.

Гаджетлар инглизча *gadget* – мослама сўзидан олинган бўлиб ҳаётимизга кириб келганига кўп вақт бўлмаган. Бу сўзнинг илмий талаффузга кирган вақтини аниқ санасини аниқлаш қийин. Тадқиқотчилар буни XIX аср билан боғласа, мутахассислар ахборот узатишнинг янги мосламаси сифатида XX асрнинг II-ярмида пайдо бўлганлигини аниқлаганлар. Электрон китоблар, авторучка, кўп функцияли телефонлар, фотоаппарат, плер, смартфон ва бошқалардир. Катта авлод вакиллари яхши эслаймиз, бизни мактабдаги таълим давримизда ёзма шикоятга эътибор қаратилган эди. Ҳозирги ёш авлоднинг вазияти имкониятлари аввалгиларга нисбатан хилма-хил серқиррадир. Улар учун замонавий гаджетларни ишлатиш – нафас олишдек осон жиҳат гуёки. Бунинг учун улар кўп вақт ва билим сарфламайдилар, буни одатий ҳолат сифатида қабул қиласидилар. Бугун гаджетлар дунёга нима ўзгаришлар олиб келди? - бу аввало катта ахборот дунёсига кириш имконияти, шунингдек, информация, янгиликлар, фойдали ахборотлар, чексиз мулоқотга киришишга очилган йўлдир. Шунингдек, унинг позитив томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжудки, бу аввало “тараққиёт болалари” деб номланаётган ёш авлод дунёқарashi, кундалик ҳаётида акс этади. Бу йўналишда кўплаб олимлар томонидан ўрганишлар олиб борилди. Ота-оналарнинг аксарияти ўз фарзандига эмас гаджетларга қарши урушлар эълон қилган бўлсада, натижалари жуда қониқарли эмас. Бу борада олиб борилаётган ўрганишлар таҳлилидан аниқланишича, мазкур фаолиятнинг натижадорлигига эришиш қийинлигининг биринчи сабаби, ота-оналарнинг гаджетлар борасида етарли билим ва кўникумаларга эга эмаслигидир. Қолаверса, ҳозирги ота-оналар бу масалада боши берк кўчага тушиб қолгандек. Фарзандлар эса ота-онадан, оила даврасидан бора-бора узоклашиб гуёки вертуал дунёда яшаётгандек манзара кўз ўнгимизда ривожланади. Авлодлар ўртасидаги муносабатлардаги номутаносиблик кучайиб бораётгани кўриниб турибди. Муаммони ҳал этишнинг ягона йўли бўлишига гаджетлар, салбий жиҳатларга – масалан, болаларимиз соғлигига зиён етказишга, оила хотиржамлигига путур етказишга

эмас, балки оила барқарорлигига ва фарзандларимиз равнақыга, камолотига хизмат қилсин.

Фарзандларимизга қандай ёрдам бера олишликни аниқлаш муаммони бартараф этишдаги фаолиятининг илк қадами ҳисобланади. Ота-оналар бундай вазиятларда шубхасиз улар ўз фарзандларини - муаммосиз, криатив фикрловчи, мустақил ўз фикрга эга, ташаббускор шахс бўлишларини истайди. Аммо улардаги малака, кўникма ва билимлар эса уларнинг орзулари билан ҳамнафас бўлмаслиги мумкин. Мазкур шароитда авторитар бошқарув тарбияси самарасиз. Ота-она томонидан қаттиқ чора-тадбирлар белгилаш, назоратни кучайтириш, вертуал оламдан бола олиб чиқишга эмас, ўртадаги муносабатларни ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Бу борадаги тоталитар агрессивлик ота-онадан болани узоқлашувини тезлатади, муносабатларда зиддиятларни кучайтиради. Мазхур вазиятда ота-оналар муқаррар прогрессив таракқиётни тўхтатиб қўйишлари мумкин эканлигини англағани ҳолда, бутунлай бошқа мулоқот ва назорат усулини қўллашлари лозим. Бунда фарзанднинг қизиқиши, орзу, мақсадларини ҳисобга олиш лозим. Бу шунчаки ҳолат бўлмай оиласда болаларга тоталитар тарбия усулида ёндашиб электрон мосламларни ота-онанинг рухсатисиз ишлатиш вазиятлари болаларда ўзига ишончни йўқотади, журъатсизлик, хадиксираш ҳолатларини кучайтиради. Болалар таъқиқланган нарсаларга доим қизиқсан. Шу сабабли мазкур вазиятда болада катталарни алдаш ва уларни талабларини бажармаслик ҳолатлари шаклланади. Бу борада шундай ҳолат учраганки, ота-она ўғлига 7 ёшгача ҳеч қандай электр мосламаларни ишлатиш ман этган, гуё бу билан улар фарзандини кўп жиҳатлардан ҳимояладик деб ишонишган. Аммо оқибат кутилгандек бўлмай бола ўз тенгқурлари ичида энг компетенциясиз ўзлаштириши паст бола даражасига тушиб қолган. Бола ҳатто тенгқурлари ўртасидаги жонли мулоқот мавзуларида ҳам чеклаб қўйилган. Баъзи оилаларда либерал тарбия методида болаларни везуаллаш билан компьютер, планшет ўйинлари ўйнаш, ҳоҳлаганича мультфильмлар қўришга имкон беришлик гуё ота-онани ортиқча ташвишдан қутилтиргандек туйилади. Негаки, бола гаджетлар билан банд бўлса ота онанинг назарида улар саволлар исканжасидан қутилади. Бола телефон ёки компьютер ўйинларида банд бўлиб вақт ўтказиши афсуски аксарият ота – оналар ўз хотиржамлигини асоси сифатида ҳам қабул қилмоқда. Аммо, унумаслик керакки, вертуал оламдаги барча ўйинлар ҳам юксак, маданият туйгусини, инсонга меҳр-мухаббатли бўлиш, раҳмдилликни шакллантиравермайди, балки айрим ўйинлар фахш, зўравонлик, агрессивликни шакллантиришга хизмат қилиш мумкин. Оқибатда ота-она фарзандини

қизиқишиларини түғри йўналтиргаган бўлади. Баъзан болани йигидан тинчлантириш учун унга телефон ва бошқа гаджет мосламалари бериш ҳам тарбияга яхши натижа бермайди. Инсон бугун билан яшайди, шу сабабли ҳам ўз хаётини мукаммал кулайликда бўлишини истайди. Айниқса, болалар ўз ҳаётидаги ҳамма нарсани ота-онасининг кайфиятига боғлиқ эканлиги билан доим ҳам келиша олмайди. Болага болалигини таъминлаб бериш лозим. Боланинг кўз ўнгидаги ота-оналар транспортда, уйда дам олиш вақтида, овқатланаётганда ва ҳаказо вақтларда доимий интернетдан фойдаланиши, смс лар ёзиши, энг ёмони, буларни болаларни кўз олдида бажариши, жонли мулоқотдан чекланишга ҳамда болаларда ота-онага нисбатан хурматни пасайишига йўл очади. Аламзадалик ва катта бўлганда агресив бўлишлик каби майилларни шакллантиради. Бу мулоқот самарадорлигига ва ўзаро хурматни барбод бўлишига олиб келиши мумкинлигини эътиборда тутиш катталар учун муҳимдир. Аслида фарзандлар билан мулоқотдаги гармония - бу олтин ўрталик ҳисобланади. Уни ўрната оладиган ота-оналарни демократик тарбия методи тарафдорлари деб аташ мумкин. Улар фарзандларининг гаджетларидан фойдаланишларини түғри йўналтира оладилар, фарзандларини мулоқотнинг виртуал оламига муккасидан кетиб қолишларини олдини олиш учун аввало ўз фарзандлари билан қандай усулда мулоқот қилиш йўналишини аниқлаб оладилар. Бу албатта катта меҳнат ва ёндашувни талаб этадиган дидактик жараён ҳисобланади. Бундай ҳолатда энг муҳими, ота-она боласи билан келишишдаги асосий мезонларни аниқлаб олиши даркор. Бу йўналишда ишни фарзандга таъқиқ санкцияларини қўйишдан эмас балки, “мумкин”, “мумкин эмас”-тизимида таъқиқлардан бошлаган маъқул, фикримизча. Баъзан бу таъқиқлар чегераси ҳам жуда кенгайиб бориши кутилган натижа самарадорлигига жиддий хавф солади. Бундай вазиятда бола саломатлиги ва ҳаётига хавф соладиганларинигина қатъий ўрганиш мумкин. Албатта, таъқиқлар тарбия жараёнининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Болага у истаган ҳамма фаолиятини амалга оширишга доим руҳсат беравермаймиз. Худди болага кун узоги мултъфильм кўришга руҳсат бериш мумкин бўлмаганидек, оилада катталар ва болалар ўртасида келишилган шартнома сингари қоидалар бўлиши керак. Бундай келишув ҳаётнинг у ёки бу соҳасига боғлиқ бўлиши шарт. Шу сабабли бундай келишувларни ота-она хурмат қилиб унинг бажарилишида событ турсалар фарзандларини уларга хурмати ошади, чунки бола бундай вазиятда ўзини ҳурматлаган ёки у билан ҳисоблашишларидан ўзида маъсулият, жавобгарликни сезади, ҳарактери тарбияланади, чиниқади, сўзда событликни ўрганади.

Бугунги ота-оналарнинг аксарияти ўз фарзандларини вертуал оламдан ўз олдилариға қайтариш учун йўл излаётгани маълум. Мазкур муаммони маданий ҳал этишнинг ягона йўли фикримизча “фарзанд-гаджетлар-ота-оналар” йўналишида ечишdir. Ушбу варианти амалга оширишда оила шартномасини тузиш йўллари, фарзандларни электрон қурилмалар олдида қанча ишлаш муддати, ўз вақтини тўғри ва оптимал тақсимлаш ҳақида муаммоли масалаларни ҳал этиш бу борада изланадиган муаммо ечимнинг энг мақбули. Бунда аввало фарзандларимиздаги мавжуд гаджетларни олиб қўйиш эмас, ундан қачон ва қандай фойдаланишини дўстона тушунтириш даркор. Оила даврасида оила аъзоларининг бу борадаги фикрини билиш лозим. Бу диолог тарзида олиб борилсагина кутилган натижани беришини ёдда сақлашимиз шарт. Иложи борича фарзандлар билан бу масалада бирга шуғулланиб ота-она намуна бўлиш керак. Болаларни гаджетлардан фойдалинишига чегара қўйишлик доим ҳам кутилган натижа бермаслиги аниқ. Бунинг вақтини белгилаб беришни фарзандимиз жазо ёки чеклаш эмас, балки вақтдан самарали фойдаланиш, керакли маълумот олиш деб тушунишга ҳаракат қилиши даркор. Бундай тартиб жадвал аввало фарзандимиз билан ҳамфирликда тузилса самаралироқ бўлади. Баъзида бундай чекловлардан аввал ота-она фарзандларига ўз талабларини ҳам қўйиш мумкин. Масалан қуйидга тартибда:

1. уй ишларини бажаргач;
2. кечки овқатланишдан сўнг;
3. китоб дафтар портфелларни керакли тарзда тартибга келтиргач;

Бундай шартлар ота-оналар томонидан қўйилиши ўта қаттиқ ва қийин бўлмаслиги, аксинча, аниқ ва бола бажаришда унга қийинчилик туғдирмаслиги лозим. Бу каби ечим ҳам болани тез орада зериктириши мумкин. Шу сабабли янги йўлларни топиб ҳаракат қилиш керак. Бола шартларда айтилганларни бирортасини бажармаслиги уларни гаджетлардан фойдаланиш вақтининг қисқаришига олиб келишини тушунгач маъсулиятлироқ бўлишликка ҳаракат қиласи. Чекловлар билан ишга чекланмасдан, шартларни вақтида бажарганлиги учун болаларни рағбатлантириб туриш ҳам яхши самара бериши амалиётда аниқланган. Бундай вазиятда айнан гаджетлардан фойдаланишга қўшимча вақт бериш яхши мукофот бўлиш ҳам мумкин. Агар оилада планшет ёки телефондан фойдаланишда фарзандлар ўзаро келиша олсалар бу уларда коммуникатив компентепцияларни олишда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, болаларда атрофдагилар билан мулоқот қилиш кўникмасини оширади. Ота-оналар фақат вақти-вақти билан оилада, ҳамма уйда бўлган вақтда ёки дам олиш кунларида “Телефонларсиз – бир кун” шиори остида барча оила аъзоларидан ўзлари

бошчилигига телефон муроқотисиз кун ёки вақтни ўтказиш тадбирини ўтказишида ташаббускорлик қилса, бу болаларда жонли муроқот ва муносабатларда илиқлик муҳитини шакллантиради. Албатта ҳар бир оиласининг ўз қонуниятлари тартиб-қоидалари борки, юқоридагиларнинг қай биридан фойдаланишини оила ўзидан келиб чиқиб ҳал этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Миллс Ч.Р. Социологическое воображения. Москва, 2001
2. Содикова Ш.М. Социологиянинг долзарб масалалари. Ренесанссс, илмий нашр,
3. Содикова Ш.М. Ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрни. Тошкент, “Янги авлод“ нашри, 2016
4. Содикова Ш.М. Оила тарбияси. – Тошкент, “Маънавият” нашриёти 2019.
5. Эрйигитова Л.Қ. Оилавий ажримларнинг жамият тараққиётига салбий таъсири. Общество и инновации журнали, 2022
6. Челышева И. В., Подросток и экранное насилие: проблемы семейного воспитания: Научно-популярное издание, 2013
7. Челышева И. В., Медиаобразование для родителей: освоение семейной медиаграмотности: Научно-популярное издание 2013